



**“ҲАЗИЛ” НУТҚИЙ ЖАНРИ ВА МАДАНИЯТ ОРАСИДАГИ  
БОҒЛИҚЛИКЛАР**

**Зияева Камолахон Зияиддиновна**  
*Toishkent davlat iqtisodiyet universiteti, yukituvchi*  
[ziyayevakamola86@gmail.com](mailto:ziyayevakamola86@gmail.com)

**ANNOTATION.** Language is a fundamental aspect of culture, closely intertwined with a nation's identity and serving as a medium through which this identity is communicated globally. The concept of "linguaculture" has emerged in linguistics, highlighting the inseparability of language and culture. This shift has led to the study of various language units, including humor, which plays an integral role in everyday communication. By examining humor through the lens of linguaculture, linguists have explored how jokes and other humorous expressions reflect both linguistic structures and cultural norms. This article reviews the approaches used in the study of humor, emphasizing the insights gained from this interdisciplinary perspective.

**KEY WORDS.** Linguaculture, joke, humor, culture, language, emotion, verbal and nonverbal, linguistics

**АННОТАЦИЯ.** Тил маданиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, миллатнинг идентификацияси билан чамбарчас боғлиқdir ва ушбу идентификацияни бутун дунёга етказиши воситаси сифатида хизмат қиласи. "Лингвокултурология" концепцияси тилшуносдиш соҳасида пайдо бўлиб, тил ва маданиятнинг бир бутунлик сифатида таърифлайди. Ушбу ёндашув турли тил бирикмаларини, жумладан, ҳазилни ўрганишга янги имкониятлар яратди, чунки ҳазил кундалик мулоқотнинг ажралмас қисмидир. Лингвокултурология нуқтаи назаридан ҳазилни ўрганиш орқали, тилшунос олимлар юмор ва бошқа кулгили ифодалар тил структуралари ва маданий меъёрларни қандай акс эттиришини изчил тадқиқ қилмоқдалар. Ушбу мақолада ҳазилни ўрганишдаги ёндашувлар ва ушбу интердисциплинар нуқтаи назардан олинган натижалар кўриб чиқилади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР.** Лингвокултурология, ҳазил, юмор, маданият, тил, туйғулар, вербал ва новербал, лингвистика

**АННОТАЦИЯ.** Язык является важной составляющей культуры, неразрывно связан с идентичностью нации и служит средством передачи этой идентичности в мировом контексте. Концепция «лингвокультурология» появилась в лингвистике, подчеркивая неотделимость языка от культуры. Этот подход открыл новые горизонты

для изучения различных языковых единиц, включая юмор, который играет важную роль в повседневной коммуникации. Исследуя юмор через призму лингвокультурологии, лингвисты изучают, как шутки и другие юмористические выражения отражают как языковые структуры, так и культурные нормы. В статье рассматриваются подходы к изучению юмора и выводы, полученные с использованием этой междисциплинарной перспективы.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА.** Лингвокултурология, шутка, юмор, культура, язык, эмоции, вербальное и невербальное, лингвистика

Ҳазиллар қайси миллатга тегишли бўлмасин, барчасининг замирида кулгу остида яширган ҳақиқат ётади. Халқ ўз муаммоларини турли сўзларга яшириб баён этади. Н.В.Гоголь ҳазил ҳақида “дунё илғамайдиган кўз ёшлар” дея таъриф берган, яъни ожизлик ортидаги буюклиқ, телбалик ортидаги донишмандлик, кулгу ортидаги қайфу.

Тил якка шахснинг ва жамиятнинг маданиятига таъсир кўрстгани каби, маданиятнинг ҳам тилда ўз акси бор. Ҳазил маданиятнинг бир қўриниши ва фикрлаш жараёнининг фаоллаштирувчи сифатида намоён бўлади.

Тил ва маданиятнинг бир-бирига ўзаро таъсири ва бу таъсир мобайнида ҳазилнинг тутган ўрни бир қатор тилшуносларда қизиқиши уйғотади. Турли маданиятларнинг миллий ҳазиллари ўрганилмоқда. Ўрганиш жараёнида ҳазилларни маданий жиҳатдан ўрганиш уларнинг этник қўринишини хосил қиласди. (4.98)

Ҳазилда қўлланиладиган образлар ва қисқа ҳодисалар, маданиятнинг аниқ қўринишини чизиб беради.

Ҳазил – бу умуминсоний ҳодиса, бир вақтнинг ўзида чуқур миллийлик ҳамдир(5.122).

Дунёнинг турли бурчагида исталаган нарсанинг устидан қандай шаклларда миллий феъл-атвор, қодриятлар, ананалар жамият қурилишини ўзида акс этган холда юзага келади.

Ҳорижликлар, мигрантлар ҳақидаги ҳазиллар асосан “кўча” тилида хосил бўлади. Бошқа миллат вакилларининг ўз дунёқараши ва миллийлигидан келиб чиқсан холда баҳолаш ҳазил матнини хосил қилишда ёрдам беради. Бундай ҳазилларда асосан ўз-ўзини алқаш ва бошқаларга танқид назари билан қараш холатлари кузатилади.

Ҳазил оммабоп ва миллийликка асосланган бўлади. Оммабоп ҳазиллар ҳаммага тез тушунарли ва кулгили бўлган муаммолар эвазига тарқалади. Тематик ҳазиллар эса, маълум бир миллатгагина дахлдор бўлиб, миллатнинг келиб чиқиш табақалари билан боғлиқ. Бундай ҳазиллар вақти келса, ҳақоратомуз бўлиши ҳам мумкин. Умумий ва тематик ҳазиллар субъектлар тавсифига асосланади. Масалан шотландияликлар ҳақидаги ҳазиллар. Гап шундаки, улар ўта сокинликлари ва инглиз маданияти қоидаларида событликлари билан ўзбек миллатида киборлар тушунчасини уйғотади.

Ҳазилнинг ўзига хос сифатларидан бири тасодифий қилинган ҳаракатдир. Одамлар кулгуни кундалик ҳаётда содир бўладиган одатий ҳодисаларнинг чегарасидан чикувчи гайриоддий ноаниқ томонларини илгай оладилар.

*Ҳазил – қатъий эстетик мазмунга кўра субъект юморисиз мавжуд бўлмайди, дейди Пропп (2.76)*

Проппнинг фикрига кўра ҳазил қилиш қобилияти бу – кулгули ҳисобланган нарсабуюм, шарт-шароит ва одамларни кузатиш ҳамда баҳолай олишдир. Ҳазил билан боғлиқ кейинги муҳим жиҳат уни тўғри қабул қилиш ҳисобланади. Ҳазил қилиш асносида кишидан атрофдаги номутаносибликни, бошқалардаги хоҳ салбий, хоҳ ижобий бўлсин ҳаракатларни илгай олиш, уни бўрттириб кўрсатиш ва жумлалардан оқилона фойдалана билиш маҳоратларини талаб этади. Руҳий ҳолатлардаги ўзгаришларни ҳисобга олган холда дўстона муносабатларни сақлаб қолиши муҳимдир. Сабаби, суҳбатдошнинг ҳазилни тушуниш ёки тушуна олмаслиги муносабатларга таъсир этади. Ҳазил-мутойибдан йироқлик кишининг хис-туйғуларидағи паст даражани ва билим доирасининг шаклланмашанини кўрсатади. (9.447) ҳазил-мутойиба ўзига икки хил тушунчани қамраб олади. Биринчиси, кулгили ҳолатни англай олиш, иккинчиси, фикр билдирилаётган нарсага муносабат. Ушбу тушунчалар қўйидаги ўзаро муносабатларни хосил қиласи:

- Кулгуни аниқлаш ва унга бўлган муносабатни аниқлаш;
- Аксинча, ҳеч қандай белги бермаслик ва муносабатни кўрсатмаслик;
- Кулгуни аниқлаш, аммо муносабат билдиримаслик;
- Кулгуни белгиламаслик, аммо муносабат билдириш.

Britannica нашриёти ҳазиллашиш инсонга кўтаринки кайфият бағишлишини алоҳида таъкидлайди.

*“This creative type of mental activity seems to be innately delightful to human beings, at least in the context of a humorous application of life”*

В. Я. Пропп бир мисолни эътиборга ҳавола этади.

*Нотиқ нутқ сўзлайди. У фаол имо-ишоралар билан сўзларини ишонарли тарзда етказишига ҳаракат қиласи. Кутимагандга унинг бурнига чивин келиб қўнади. Нотиқ уни ҳайдайди, аммо чивин яна қўнади. Нотиқ тагин чивинни ҳайдайди, ваниҳоят уни тутади. Бир муддат қараб турадида, сўнг ён томога улоқтиради. Ана шу вақтда нутқ самараси йўқолади ва одамлар кулиб юборадилар.*

Чивиннинг пайдо бўлиши бутунлай бошқа натижани келтириб чиқаради. Томошибинларнинг руҳий ҳолатидаги тартиб жисмоний томонга кўчади ва улар нотиқни тинглашдан унинг ҳатти-ҳаракатларини кузатишаг ўтадилар. (2.27). Бунда кулгу манбай нотиқнинг маҳоратида эмас, у тингловчиларни мавзуга қизиқтирумай, аксинча, ҳаддан зиёд қўл ҳаракатларини қўллайди, яъни жисмоний ҳаракатлар уни фикридан чалғитади. Сўзловчи ўз шахсиятидаги жисмоний заифликни намойиш этгани боис, мазах ҳолати содир бўлади.

Ҳазил ҳақидаги асосий назарий тушунчалар қуидагича, фалсафий жиҳатдан жиддий ҳолатга акс кўринишдаги қўйилган баҳоловчи ножиддийлик, эстетика, яъни нафосатда хис-туйғудаги босимнинг бирдан жумбушга келиши, социологида жамиятшунослиқда – жамиятдаги одатларнинг ранго-ранг тарзда товланишидир.

Ҳазил нутқий жанри тилшунослиқда талайгина баҳс-мунозараларга сабаб бўлган мавзудир. Ҳазиллашиб вербал ва новербалга бўлинниб бир-бирига қарама-қарши муносабат пайдо бўлади, улар асосан ижобий ва салбий муносабатларга бўлинади. Вербал кўринишдаги ҳазилларга латифа, мазҳара, зукколик, юмор, киноя ва танқидлар киради. Юмор ва латифаларда прагматик хусусиятларини кўриш мумкин. Киноя ва зукколикда эса тафаккур иштирок этади.

М. Р. Желтухинанинг илмий тадқиқот ишида кулгунинг қуидаги асослари келтиради:

1. ҳис-туйғуга бойлик даражаси;
2. хис-туйғуни баён қилиш қобилияти;
3. туйғулар таснифи;
4. жаҳл даражаси;
5. салбийлик даражаси;
6. баҳолаш белгиси таърифи;
7. аҳборот ва баҳони етказиш кўриниши;
8. денотив йўналиш;
9. нафрат даражаси;
10. танқид даражаси;
11. идеалга муносабат;
12. билим даражаси;
13. нутқ йўналтиридишининг фаоллик даражаси;
14. мослашувчанлик даражаси;
15. дангаллик даражаси;
16. марварид эффекти;
17. шакл ва таркиб муносабати;
18. тил манбаларига эгалик (3.57)

“Ҳазил” нутқий жанрида дастлабки ҳолатда тилга нисбатан ноодатий ижодий натижа сифатида ёндошилади ва сўзловчининг ҳажвни жонлантириш асносида юзага келади. Бу жанр асосан, ҳеч қандай чекланмаган табиий мулоқотда, яъни нутқнинг қатъий чегараланган тартиби ва таркибидан ташқарида хосил бўлади. Тартибга солинмаган, эркин мулоқот жараёни тилга ўзгача муносабатнинг ва янги тажрибаларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бу эса, ўз навбатида жонли мулоқотдаги “ҳазил” нутқий жанрининг мухим жиҳатларини очиб берди.

Шундай қилиб, сўзлашувнинг йўналишига қараб, тил устида тажриба ўтказган ҳолда, сўзловчининг семантик ёки прагматик қонуниятларини бузиши ва ижодий

бўёқлар бериши тушунилади. Коммуникаторларнинг нутқнинг ностандарт усуллардан фойдаланиш, аввало вазиятга юмор қўллаш мақсадини кўрсатади. Натижада нутқий жараён иккига бўлинади, яъни ҳазиломуз бўёқдорлик ва жиддий оҳанг, кутилган натижага эришиш, аввало сўзлашувнинг эркинлигига узвий боғлиқ. Айнан эркин фикрини баён қилиш, “ҳазил” нутқий жанрига ижоди сайқал беради.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Владимир Пропп Проблемы комизма и смеха. Ритуальный смех в фольклоре (сборник) ISBN: 5-87604-046-0 Год издания: 2006 Издательство: "Лабиринт" Язык: Русский
2. Владимир Пропп Проблемы комизма и смеха 21 19 1 ISBN: 5-87604-020-7 Год издания: 2002 Издательство: "Лабиринт" Язык: Русский
3. Желтухина М.Р., Эмоциогенность современных медиатекстов
4. Жук Е.Е. Лингвокультурная специфика вербализации комического в языке произведений О. Генри и П.Г. Вудхауза [Электронный ресурс]. – URL: <http://www.dereksiz.org/lingvokulturetnaya-specifika.html>: дис. ...канд. филол. наук: 10.02.19. М., 2016.
5. Кулинич М.А. Семантика, структура и прагматика англоязычного юмора [Текст]: автореф. дис. ...канд. д-ра филол. наук: 240004, Москва. 2000. 91 с.
6. Кулинич М.А. Лингвокультурология юмора (на материале английского языка). Самара, 1999
7. 6, Карасик, В. И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс [Текст] / В. И. Карасик. – Волгоград : Перемена, 2002. – 477 с.
9. Почепцов Г.Г. Теория коммуникации [Текст], М.: Перемена, 2002. 477 с